

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

### **306 Қишлоқ хўжалиги техникасига сервис хизмати кўрсатувчи ташкилотларни ривожлантириш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил  
24 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2876*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 ноябрдаги ПФ-4857-сон «Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва 2016 йил 17 ноябрдаги ПК-2658-сон «Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги **қарор қилади:**

1. Қишлоқ хўжалиги техникасига сервис хизмати кўрсатувчи ташкилотларни ривожлантириш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш жамғармаси тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Молия вазири**

**Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 28 март,  
30-сон

**Иқтисодиёт вазири**

**Г. САИДОВА**

Тошкент ш.,  
2017 йил 28 март,  
128-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт  
вазирлигининг 2017 йил 28 мартдаги  
30, 128-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Қишлоқ хўжалик техникасига сервис хизмати кўрсатувчи  
ташкilotларни ривожлантириш, реконструкция қилиш ва  
модернизациялаш жамғармаси тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 ноябрдаги ПФ-4857-сонли «Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва 2016 йил 17 ноябрдаги ПҚ-2658-сонли «Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Қишлоқ хўжалик техникасига сервис хизмати кўрсатувчи ташкilotларни ривожлантириш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш жамғармаси (бундан буён матнда Жамғарма деб юритилади) фаолиятини тартибга солиди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Жамғарма «Ўзагросервис» акциядорлик жамияти (бундан буён матнда Жамият деб юритилади) ҳузурида ҳукуматлараро шартномалар бўйича олинган кредитларни қоплаш, шунингдек Жамият таркибига кирувчи ташкilotларни ҳамда Жамият таркибига кирувчи ташкilotлар билан тузилган хўжалик шартномасига асосан қишлоқ хўжалик техникасига сервис хизмати кўрсатувчи ташкilotларни (бундан буён матнда сервис хизмати кўрсатувчи ташкilotлар деб юритилади) модернизациялаш ва реконструкция қилиш мақсадида ташкил этилади.

2. Жамғарма юридик шахс ҳисобланмайди.

**2-боб. Жамғармани бошқариш**

3. Жамғармани бошқариш фаолияти «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ (бундан буён матнда Холдинг деб юритилади) бошқаруви томонидан ҳар йили тайинланадиган беш нафар аъзодан иборат Жамғарма кенгаши (бундан буён матнда Кенгаш деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

Холдинг бошқарув раиси ва Жамият бош директори тегишлича Кенгашнинг раиси ҳамда раис ўринбосари ҳисобланади.

Кенгаш раиси Жамғарма фаолиятига раҳбарлик қилади ва унинг зиммасига юкланган вазифаларни бажарилиши учун жавобгар ҳисобланади.

4. Кенгашнинг мажлислари ҳар чорақда камида бир марта ўтказилади. Зарурият туғилганида навбатдан ташқари мажлислар ўтказилиши мумкин. Муҳокама қилинаётган барча масалалар юзасидан қарорлар Кенгаш аъзола-

рининг камида тўртдан уч қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади.

5. Кенгашнинг мажлиси қарорлари баённома кўринишда расмийлаштирилади, масъул котиб томонидан имзоланади ва Кенгаш раиси томонидан тасдиқланади.

6. Қуйидагилар Кенгашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Жамғарма маблағларидан фойдаланишнинг устувор йўналишлари ва шартларини белгилаш;

маблағларни мазкур Низомда белгиланган мақсадлар учун йўналтириш (ажратиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамғарманинг маблағлари мақсадли сарфланишини назорат қилиш;

мақсадли ишлатилмаган Жамғарма маблағларини қайтарилишини таъминлаш чораларини кўриш;

мазкур Низомнинг 17-бандида белгиланган Жамғарма даромадларини шакллантириш манбаларидан келиб тушаётган маблағларни Жамғарманинг махсус ҳисобварағида шакллантириш (жамлаш);

сервис хизмати кўрсатувчи ташкилотларга маблағлар ажратилишида уларни ишлатиш шартларини белгилаш;

Жамғарма ишчи органини шакллантириш;

Жамғарма ишчи органининг таклифларини кўриб чиқиш;

Жамғарманинг Тафтиш комиссиясини шакллантириш.

7. Қуйидагилар Кенгашнинг асосий ҳуқуқлари ҳисобланади:

Жамғарма томонидан ажратиладиган маблағларнинг мақсадли ишлатилишини назорат қилиш;

Жамғарма томонидан ажратиладиган маблағларнинг белгиланган мақсадларда ишлатмаслик ҳолатлари аниқланганда уларни молиялаштиришни тўхтатиш ёки ажратилган маблағларни қайтарилишини талаб қилиш.

8. Қуйидагилар Кенгашнинг асосий мажбуриятлари ҳисобланади:

Жамғарма маблағларини мазкур Низом ва қонун ҳужжатларига қатъий риоя қилган ҳолда бошқарилишини таъминлаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш;

мазкур Низомда белгиланган муддатларда Жамғарма маблағларининг даромадлар ва харажатлар сметасини Ўзбекистон Республика Молия вазирлиги билан келишиш;

Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилмаганлик ҳолатлари аниқланганда зудлик билан уларни бартараф этиш, асоссиз харажатлар ва келтирилган зарар ўрнини қоплаш бўйича тегишли чоралар кўриш.

9. Кенгаш ўз фаолиятини Жамғарма ишчи органи (бундан буён матнда Ишчи орган деб юритилади) орқали амалга оширади.

10. Қуйидагилар Ишчи органнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Жамғарма маблағларининг даромадлар ва харажатлар сметаси лойиҳасини тайёрлаш ва Кенгашга кўриб чиқиш учун тақдим этиш;

Жамғарма маблағлари молиялаштирилиши таклиф этилаётган сервис хизмати кўрсатувчи ташкилотларни модернизациялаш ва реконструкция

қилишнинг йиллик дастурлари лойиҳаларини тайёрлаш ва Кенгашга кўриб чиқиш учун киритиш;

сервис хизмати кўрсатувчи ташкилотлардан Жамғарма маблағларини ажратиш тўғрисида келиб тушган аризаларни рўйхатдан ўтказиш ва тақдим қилинган ҳужжатларни тўлиқлиги ва мувофиқлигини текшириш;

сервис хизмати кўрсатувчи ташкилотлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни таҳлил қилиш;

сервис хизмати кўрсатувчи ташкилотлардан Жамғарма маблағларини ажратиш тўғрисида келиб тушган аризаларни кўриб чиқиш натижалари бўйича Кенгашга асосли таклифлар киритиш;

Жамият ва сервис хизмати кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида мақсадли молиялаштириш тўғрисида тузилган шартномаларнинг шартларига мувофиқ Жамғарма маблағларининг ишлатилиши юзасидан ойлик мониторинг ўтказиш;

сервис хизмати кўрсатувчи ташкилотларнинг Жамғармадан олган маблағларини мақсадли сарфланиши бўйича ҳисоботларини кўриб чиқиш;

Жамғарманинг маблағларидан фойдаланилиши тўғрисида ҳисобот тайёрлаш ва ҳар ойда Кенгашга тақдим этиш;

Жамғарма маблағларини шакллантириш ва янада тўлдириб бориш тўғрисида таклифлар тайёрлаш.

11. Сервис хизмати кўрсатувчи ташкилотларга ажратилган маблағлар мақсадсиз ишлатилган ҳолатларда Ишчи орган Кенгашга маблағларни қайтариш бўйича таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

12. Қўйидагилар Ишчи органнинг асосий мажбуриятлари ҳисобланади: мазкур Низомда белгиланган муддатларда сервис хизмати кўрсатувчи ташкилотлардан келиб тушаётган аризаларни ва уларга илова қилинаётган ҳужжатларни тўлиқлигини, Жамғарма маблағларини ажратишнинг зарурлигини ва асослантирилганлигини ҳар томонлама кўриб чиқиш;

Жамғарманинг маблағларининг ҳаракатига доир тегишли таҳлилий ва ҳисобот материалларини тайёрлаш ва Кенгашга тақдим этилишини таъминлаш.

13. Жамғармада ҳар йили Холдинг томонидан уч нафар аъзодан иборат тафтиш комиссияси (бундан буён матнда Тафтиш комиссияси деб юритилади) тайинланади. Холдинг ички аудит хизматининг раҳбари Тафтиш комиссиясининг раҳбари ҳисобланади.

14. Тафтиш комиссияси тегишли ҳисобот материалларини таҳлил қилиш, шу жумладан жойига чиқиб ўрганиш йўли билан Жамғарма маблағларидан сервис хизмати кўрсатувчи ташкилотларга ажратилган маблағларнинг мақсадли фойдаланилганлиги, шунингдек ҳукуматлараро шартномалар бўйича олинган кредитларни қоплаш учун йўналтирилганлиги устидан назоратни таъминлайди.

15. Қўйидагилар Тафтиш комиссиясининг асосий ҳуқуқлари ҳисобланади:

Жамғарманинг маблағларини мақсадли ишлатилиши тўғрисида сервис хизмати кўрсатувчи ташкилотлардан тегишли маълумотларни сўраб олиш;

Жамғарма маблағларини олган сервис хизмати кўрсатувчи ташкилотларда назорат тадбирларини ташкил этиш;

назорат тадбирлари натижаларига кўра аниқланган камчиликларни бар-тараф этиш ва уларга келгусида йўл қўймаслик борасида Кенгашга таклифлар киритиш;

Кенгаш билан келишилган ҳолда назорат тадбирларини ўтказиш учун Холдинг ва Жамиятдан тегишли мутахассисларни жалб қилиш.

16. Қуйидагилар Тафтиш комиссиясининг асосий мажбуриятлари ҳисобланади:

назорат тадбирларини ўтказишда ўз мажбуриятларини тўлиқ бажариш;

Кенгаш томонидан белгиланган муддат ичида Жамғарма маблағларини мақсадли сарф қилиниши тўғрисида ҳисобот тақдим этиш;

Жамғарма маблағларидан фойдаланишнинг белгиланган тартиби бузилганлиги ҳолати аниқланган тақдирда Кенгашга маълум қилиш ва тегишли чораларни кўриш тўғрисида таклифлар киритиш.

### **3-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш**

17. Қуйидагилар Жамғарма даромадларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

Жамият таркибига кирувчи ҳудудий ташкилотлар томонидан товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан тушадиган соф тушумнинг 5 фоизи миқдоридаги ажратмалар;

конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

18. Жамғарманинг маблағларини шакллантириш учун Жамият томонидан асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи жойлашган тижорат банкида махсус ҳисобварақ очилади. Жамғарма маблағларини шакллантириш учун бошқа ҳисобварақлар очиш тақиқланади.

19. Жамият таркибига кирувчи ҳудудий ташкилотлар бухгалтерия маълумотлари асосида Жамиятнинг махсус ҳисобварағига мазкур Низомда белгиланган ажратмаларни ҳар ойда, келгуси ойнинг 10 санасидан кечиктирмасдан тўланишини таъминлайди.

20. Жамият таркибига кирувчи ҳудудий ташкилотлар томонидан товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан тушадиган соф тушумнинг ҳажми асосланган равишда ўзгартирилганда Жамғармага тўланган ажратмалар ҳам ўзгартириш киритилган ҳисобот даврига мутаносиб равишда ўзгартирилади (қўшимча тўланади ёки чегирилади).

### **4-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш**

21. Жамият ҳар йили 1 декабргача бўлган муддат ичида Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлигига Кенгаш томонидан тасдиқланган мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда Жамғарма маблағларининг даромадлар ва харажатлар сметасини тақдим этади.

22. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 10 кун ичида Жамғарма маблағларининг даромадлар ва харажатлар сметасини келишади ва Жамиятга юборади.

23. Жамғарманинг маблағлари қуйидаги мақсадларга йўналтирилади: ҳукуматлараро шартномалар бўйича олинган кредитларни қоплашга; сервис хизмати кўрсатувчи ташкилотларни модернизациялаш ва реконструкция қилишга.

24. Ҳукуматлараро шартномалар бўйича олинган кредитларни қоплаш учун Жамғарманинг маблағларини йўналтириш Жамғарма маблағларининг махсус ҳисобварақда шаклланишига қараб, даромадлар ва харажатлар сметаси доирасида амалга оширилади.

25. Сервис хизмати кўрсатувчи ташкилотлар томонидан модернизациялаш ва реконструкция қилиш мақсадида Жамғарма маблағларини олиш учун Ишчи органга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

ариза;

Жамғарманинг маблағларини жалб қилиш зарурати тўғрисидаги сервис хизмати кўрсатувчи ташкилотларнинг тегишли бошқарув органи қарори нусхаси;

сервис хизмати кўрсатувчи ташкилотларнинг тегишли бошқарув органи томонидан тасдиқланган Жамғарманинг маблағларини олиш мақсадга мувофиқлигини асословчи бизнес-режа;

ариза берилаётган чоракдан олдинги чорак учун молиявий ҳисобот;

бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар юзасидан муддати ўтган қарздорлик мавжуд эмаслиги ҳақида давлат солиқ инспекцияси томонидан тақдим этилган маълумотнома;

банк кредитлари бўйича қарздорлик ва 2-сон картотека ҳолати ҳақида хизмат кўрсатувчи банкдан маълумотнома.

Жамият таркибига кирмайдиган сервис хизмати кўрсатувчи ташкилотлар томонидан Жамият таркибига кирувчи ташкилотлар билан тузилган хўжалик шартномаси нусхаси ҳам тақдим этилади.

26. Модернизациялаш ва реконструкция қилиш учун сервис хизмати кўрсатувчи ташкилотларга маблағ ажратиш, Жамғарма маблағларининг даромадлар ва харажатлар сметаси доирасида амалга оширилади.

27. Сервис хизмати кўрсатувчи ташкилотлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар Ишчи орган томонидан келиб тушган кундан бошлаб 10 кун ичида кўриб чиқилади.

28. Ишчи орган кўриб чиқиш натижалари бўйича Кенгашга маблағларни ажратиш мақсадга мувофиқлиги ёки ажратилмаслигини асослантирувчи таклиф тақдим этади.

29. Кенгаш 5 кун ичида Ишчи орган томонидан тақдим этилган таклифлар асосида сервис хизмати кўрсатувчи ташкилотларга маблағларни ажратиш ёки рад этиш тўғрисида қарор чиқаради.

Кенгаш томонидан Жамғарма маблағларини ажратишни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилишга қуйидагилар асос бўлади:

сервис хизмати кўрсатувчи ташкилотлар томонидан Жамғарма маблағ-

ларини олиш учун мазкур Низомнинг 25-бандида кўрсатилган хужжатларнинг тўлиқ тақдим этилмаганлиги;

сервис хизмати кўрсатувчи ташкилотларнинг Жамғарма маблағларини ажратиш ҳақидаги мурожаати Жамғарма маблағларини ишлатиш мақсадларига номувофиқлиги;

сервис хизмати кўрсатувчи ташкилотлар томонидан тақдим этилган хужжатларда нотўғри маълумотларнинг мавжудлиги.

30. Кенгаш томонидан Жамғарма маблағларини ажратишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинганда, баённомада рад этишнинг сабаблари кўрсатилиб, Жамғарма маблағлари ажратилишни сўраб мурожаат қилган сервис хизмати кўрсатувчи ташкилот хабардор қилинади.

31. Кенгаш томонидан Жамғарма маблағларини ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Жамият ва сервис хизмати кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида мақсадли молиялаштириш тўғрисида шартнома тузилади ва мазкур шартномада назарда тутилган муддатларда Жамғарма маблағлари ажратилади.

#### **5-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш ҳисоби ва ҳисоботи**

32. Жамғарма маблағларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш Жамият томонидан бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

33. Жамият таркибига кирувчи ҳудудий ташкилотлар ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 10 санасидан кечикмасдан мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда Жамғармага ажратмалар тўланганлиги тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

Жамғарманинг маблағларини олган сервис хизмати кўрсатувчи ташкилотлар ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 10 санасидан кечикмасдан Жамиятга мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда маблағларнинг ишлатилиши тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

34. Молия йили якунланганидан сўнг ўттиз кун ичида Жамият Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда ўтган йил учун Жамғарма маблағларининг даромадлар ва харажатлар сметаси ижроси тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

#### **6-боб. Якуний қоидалар**

35. Сервис хизмати кўрсатувчи ташкилотлар Жамғарма маблағларини мазкур Низомда белгиланган мақсадларда ишлатилиши учун жавобгардир.

36. Жамғарма маблағларидан мазкур Низомда белгиланган мақсадларда ва самарали ишлатилиши юзасидан Кенгаш ва Ишчи орган жавобгардир.

37. Мазкур Низом талабларини бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

**17 (777)-сон**

**— 245 —**

**306-модда**

38. Мазкур Низом «Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамияти ва «Ўзагросервис» акциядорлик жамияти билан келишилган.

*«Ўзагротехсаноатхолдинг»  
акциядорлик жамияти  
бошқаруви раиси*

***Н. ОТАЖОНОВ***

*2017 йил 28 март*

*«Ўзагросервис» акциядорлик  
жамияти бош директори*

***У. ТУРСУНОВ***

*2017 йил 28 март*

Қишлоқ хўжалик техникасига сервис  
хизмати кўрсатувчи ташкилотларни  
ривожлантириш, реконструкция қилиш  
ва модернизациялаш жамғармаси  
тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

## «ТАСДИҚЛАЙМАН»

Қишлоқ хўжалик техникасига сервис  
хизмати кўрсатувчи ташкилотларни  
ривожлантириш, реконструкция қилиш ва  
модернизациялаш жамғармаси кенгаши  
раиси

(Ф.И.О.)

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил

## «КЕЛИШИЛГАН»

Ўзбекистон Республикаси молия  
вазирининг ўринбосари

(Ф.И.О.)

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил.

**Қишлоқ хўжалик техникасига сервис хизмати кўрсатувчи  
ташкилотларни ривожлантириш, реконструкция қилиш ва  
модернизациялаш жамғармаси маблағларининг 20\_\_ йилдаги  
ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ**

| Т/р    | Кўрсаткичлар номланиши   | Сумма,<br>минг сўмда |
|--------|--|----------------------|
| 1.     | _____ 20__ й. ҳолатига қолдиқ маблағлар  |                      |
| 2.     | <b>Тушумлар</b>  |                      |
| 2.1.   | Соф тушумнинг 5 фоизи миқдоридаги ажратмалар   |                      |
| 2.2.   | Қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар                                      |                      |
| 3.     | <b>Фойдаланиш</b>  |                      |
| 3.1.   | Ҳукуматлараро шартномалар бўйича олинган кредитларни<br>қоплаш                       |                      |
| 3.2.   | Модернизациялаш ва реконструкция қилиш   |                      |
|        | Шу жумладан:   |                      |
| 3.2.1. | _____ (ҳар бир объект кесимида фойдаланишнинг аниқ<br>йўналишларини кўрсатган ҳолда) |                      |
| 4.     | _____ 20__ й. ҳолатига қолдиқ маблағлар  |                      |

**«Ўзагросервис» АЖ**  
бош директори

(имзо)

(М.Ў.)

**«Ўзагросервис» АЖ**  
бош бухгалтери

(имзо)

Қишлоқ хўжалик техникасига сервис  
хизмати кўрсатувчи ташкилотларни  
ривожлантириш, реконструкция қилиш  
ва модернизациялаш жамғармаси  
тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

**Қишлоқ хўжалик техникасига сервис  
хизмати кўрсатувчи ташкилотларни  
ривожлантириш, реконструкция қилиш  
ва модернизациялаш жамғармасига ажратмаларни тўланиши  
тўғрисида 20\_\_ йил \_\_\_\_\_ учун  
ҲИСОБОТ\***

**МЧЖ бўйича**

(Жамиятнинг худудий ташкилоти номи)

| Т/р  | Кўрсаткичлар номланиши  | Сумма,<br>минг сўмда |
|------|---|----------------------|
| 1.   | Ҳисобот йили бошида Жамғармага тўловлар юзасидан кредиторлик қарз |                      |
| 2.   | Йил бошидан Жамғармага ҳисобланган ажратмалар                     |                      |
| 2.1. | шу жумладан, ҳисобот оyi учун                                     |                      |
| 3.   | Ҳисобот йили бошидан Жамғармага тўланган сумма                    |                      |
| 4.   | Ҳисобот оyi охирида Жамғармага тўловлар юзасидан кредиторлик қарз |                      |

*\*Изоҳ: ҳисоботда ҳар бир кўрсаткич бўйича батафсил маълумот илова қилинади.*

**Раҳбар**

/имзо/

/Ф.И.О./

(М.Ў.)

**Бош бухгалтер**

/имзо/

/Ф.И.О./

Қишлоқ хўжалик техникасига сервис  
хизмати кўрсатувчи ташкилотларни  
ривожлантириш, реконструкция қилиш  
ва модернизациялаш жамғармаси  
тўғрисидаги низомга  
3-ИЛОВА

**Қишлоқ хўжалик техникасига сервис хизмати кўрсатувчи  
ташкилотларни ривожлантириш, реконструкция қилиш ва  
модернизациялаш жамғармаси маблағларини ишлатилиши  
тўғрисида 20\_\_ йил \_\_\_\_\_ учун  
ҲИСОБОТ\***

МЧЖ бўйича

(Жамият ташкилотининг номи)

| Т/р    | Кўрсаткичлар номланиши                  | Сумма,<br>минг сўмда |
|--------|---|----------------------|
| 2.1    | Жамғармадан олинган жами сумма          |                      |
|        | Шу жумладан:                            |                      |
| 2.1.1. | Жорий йилда                             |                      |
| 2.1.2. | Ҳисобот ойида                           |                      |
| 2.2.   | Жамғарма маблағларидан фойдаланиш, жами |                      |
| 2.2.1. | Шу жумладан:                            |                      |
| 2.2.2. | Жорий йилда                             |                      |
| 2.2.3. | Ҳисобот ойида                           |                      |
| 2.3.   | Олинган жамғарма маблағлари қолдиғи     |                      |

*\*Изоҳ: ҳисоботда ҳар бир кўрсаткич бўйича батафсил маълумот илова қилинади.*

**Раҳбар**

/имзо/

/Ф.И.О./

М.Ў. (муҳр мавжуд  
бўлган тақдирда)

**Бош бухгалтер**

/имзо/

/Ф.И.О./

Қишлоқ хўжалик техникасига сервис хизмати  
кўрсатувчи ташкилотларни ривожлантириш,  
реконструкция қилиш ва модернизациялаш  
жамғармаси тўғрисидаги низомга  
4-ИЛОВА

**Қишлоқ хўжалик техникаларига сервис хизмати кўрсатувчи  
ташкилотларни ривожлантириш, реконструкция ва модернизация  
қилиш жамғармасининг даромадлар ва харажатлар сметаси  
ижроси тўғрисида 20\_\_ йил учун  
ҲИСОБОТ\***

| Т/р    | Кўрсаткичлар номланиши  | 20__ йил учун<br>прогноз минг<br>сўмда | Ҳақиқатда,<br>минг сўмда | Фарқ<br>минг<br>сўмда |
|--------|---|--|--------------------------|-----------------------|
| 1.     | _____ 20__ й. ҳолатига қолдиқ<br>маблағлар  | х                                      |                          |                       |
| 2.     | <b>Тушумлар</b>   |  |                          |                       |
| 2.1.   | Соф тушумнинг 5 фоизи миқдоридаги<br>ажратмалар   |  |                          |                       |
| 2.2.   | Қонунчиликда тақиқланмаган бошқа<br>манбалар  |  |                          |                       |
| 3.     | <b>Фойдаланиш</b>   |  |                          |                       |
| 3.1.   | Ҳукуматлараро шартномалар бўйича<br>олинган кредитларни қоплаш                          |  |                          |                       |
| 3.2.   | Модернизация ва реконструкция қилиш   |  |                          |                       |
|        | <b>шу жумладан:</b>   |  |                          |                       |
| 3.2.1. | _____ (ҳар бир объект бўйича<br>фойдаланишнинг аниқ йўналишларини<br>кўрсатиш кесимида) |  |                          |                       |
| 4.     | _____ 20__ й. ҳолатига<br>қолдиқ маблағлар.   | х                                      |                          | х                     |

*\*Изоҳ: ҳисоботда ҳар бир кўрсаткич бўйича батафсил маълумот илова қилинади.*

**«Ўзагросервис» АЖ  
бош директори**

/имзо/

/Ф.И.О./

(М.Ў.)

**«Ўзагросервис» АЖ  
бош бухгалтери**

/имзо/

/Ф.И.О./